



Final Draft

Истеъмом кайфияти шарҳи

2026 йил I чорак

- Даромад субиндекси
- Харажат субиндекси
- Кредит субиндекси
- Жамғариш субиндекси



Ушбу шарҳда респондентларнинг даромадлари ва истеъмом харажатлари таркиби, пул-маблағларини жамғаришга бўлган мойиллиги, келгусидаги харажатлари, шунингдек, кредитга бўлган эҳтиёжлари таҳлил қилинган.

Резюме

Сўровнома натижалари¹ 2026 йилнинг I чорагида аҳолининг истеъмол кайфиятида ижобий тенденциялар сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда.

Даромадлар ошишига оид кутилмаларда ўсиш динамикасини намоён этаётгани аҳолининг молиявий ҳолати яхшиланишига бўлган ишончи юқориликдан далолат беради.

Харажатларга оид кутилмаларнинг юқори даражада шаклланиши иқтисодий фаоллик ҳамда товар ва хизматлар харидига бўлган талабнинг барқарор шаклланаётганини кўрсатмоқда.

Аҳолининг жамғаришга бўлган мойиллигида ижобий динамика кузатилиб, аввалги чоракка нисбатан ўсиш қайд этилди. Бу ҳолат аҳолининг даромадлари барқарор ўсиши фонида молиявий ҳолатларида ижобий тенденция шаклланиши билан изоҳланиши мумкин.

Кредитга бўлган талабнинг 2025 йилнинг III чорагидан буён ўсиш тенденциясини давом этаётгани истеъмол фаоллиги юқориликни билдиради.

Умуман олганда 2026 йил I чорагида аҳолининг истеъмол кайфияти барқарор шаклланиб, келгуси истиқболда харид қобилияти яхшиланиши бўйича ижобий кутилмалар сақланиб қолинган.

¹ 2026 йил апрель ойида аҳолининг истеъмол кайфиятини баҳолаш мақсадида ўтказилган сўровларда 4 100 га яқин респондентлар иштирок этди.

Даромад субиндекси


Аҳоли даромадларининг ўсишига оид ижобий тенденциялар давом этмоқда.

Даромадлар субиндекси 2026 йил I чорагида 72,8 бандни ташкил этиб, ўсиш тенденциясини давом эттирди. Хусусан, индексда аввалги чоракка нисбатан 0,3 бандлик, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан эса 1,5 бандлик ижобий фарқ шаклланди (1-2-расмлар). Бунда, аҳолининг реал даромадлари барқарор ўсиши, ташқи трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажмининг ортиши мазкур кўрсаткичнинг ижобий шаклланишига қўшимча омил бўлиб хизмат қилмоқда.


Сўровнома иштирокчиларининг асосий қисми, яъни 68 фоизи даромадларнинг ошишини (2025 йилнинг IV чорагида 67 фоиз), 25 фоизи эса барқарор сақланишини кутмоқда. Даромадлари пасайишини кутаётганлар улуши 7 фоизгача қисқариб, мазкур кўрсаткич 2023 йилнинг IV чорагида қайд этилган минимал даражага тушди (3-расм).

2026 йилнинг I чорагида аҳолининг барча даромад гуруҳлари кесимида даромадлар ўсиши бўйича ижобий кутилмалар барқарор юқори даражада (62-78 фоиз) шаклланди. Бунда, 2025 йилнинг IV чорагига нисбатан даромадлари ошишини кутаётган респондентлар улуши 7-10 млн сўмлик даромадга эга қатламдан ташқари барча гуруҳларда ижобий динамикани қайд этди.

1-расм. Даромад субиндекси (банд)




2-расм. Даромад субиндекси ўзгариши (ўтган чоракка нисбатан, фоиз банд)




Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

3-расм. Даромадлари ўзгариши кутилмалари бўйича жавоблар тақсимоти (улуши, фоизда)



4-расм. Даромадлар кесимда жавоблар тақсимоти (улуши, фоизда)




Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Даромадлари 20 млн сўмдан юқори бўлганларда ижобий кутилмалар шаклланмоқда (77 фоиз; 2025 йилнинг IV чорагидаги 72 фоизга нисбатан). Даромадлари ўзгармаслигини кутаётганлар асосан, 3-5 млн сўм ва 7-10 млн сўмлик даромад сегментларига тўғри келди. Айтиш пайтда, даромадлар пасайишини кутаётганлар улушининг ортиши 10-15 млн сўм даромадга эга гуруҳда қайд этилди.

Шу билан бирга, 2025 йилнинг сўнги чорагида даромадлари пасайганлигини билдирган айрим респондентлар гуруҳларида жорий йилнинг I чорагида ижобий тенденция кузатилди. Хусусан, даромадлар пасайишини қайд этганлар улушининг қисқариши 3-5 млн, 5-7 млн, 15-20 млн сўмлик ҳамда 20 млн сўмдан юқори бўлган даромад сегментларида қайд этилди (4-расм).

5-расм. Респондентларнинг даромад манбалари (улуши, фоизда)



6-расм. Фаолият соҳалари кесимида даромадлари ўзгариши бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)

Соҳалар	кўпаяди	ўзгаришсиз қолади	камаяди
маиший хизмат	78	17	5
кафе-ресторан	78	15	7
қашлоқ хўжалиги	76	16	8
туризм	75	21	4
ишлаб чиқариш	74	20	6
қурилиш	71	22	7
коммунал хизмат	71	20	9
савдо	70	23	8
фан-таълим	69	25	6
давлат бошқаруви	69	25	6
ташиш хизмати	69	22	9
тиббиёт	67	26	7
бошқа	66	24	9
АТ ва ОАВ	63	25	12
банк ва молия	63	30	7

Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Респондентларнинг 66 фоизи (2025 йил IV чорақда 67 фоиз) даромад манбаи сифатида расмий иш ҳақини қайд этган. Шу билан бирга, томорқа, тадбиркорлик ва савдо ҳамда кунлик даромадли ишлар, мулк ижараси ва пул ўтказмалари ҳисобига даромад топувчилар улуши 2025 йилнинг сўнгги чорагига нисбатан бироз ошган бўлса, қолган даромад манбалари бўйича ўзгариш кузатилмади (5-расм).

Маиший хизмат, кафе-ресторан, қишлоқ хўжалиги, туризм ва ишлаб чиқариш соҳаларида аҳолининг даромадлар ошишига бўлган ишончи мустаҳкамлангани кузатилди. Мазкур ҳолат хизматлар бозоридаги барқарор талаб ва туризм салоҳиятининг кенгайиши натижасида иқтисодий фаоллик яхшилангани билан изоҳланади.


Банк-молия, ахборот технологиялари, оммавий ахборот воситалари ҳамда тиббиёт соҳаларида даромадлар ошиши бўйича кутилмалар нисбатан мўътадил даражада сақланиб қолмоқда.

Харажат субиндекси


Респондентларнинг келгусидаги харажатлари бўйича кутилмаларида ижобий кайфият сақланиб қолди.

Мазкур даврда харажат субиндекси 0,3 фоиз бандга ошиб, 78,1 бандга этди. Ушбу субиндекс 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 0,2 бандга юқори бўлди (7-8-расмлар).

7-расм. Харажат субиндекси (банд)



8-расм. Харажат субиндекси ўзгариши (ўтган чорақка нисбатан, фоиз банд)



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.


Келгуси давр учун харажатларининг ошишини қайд этган респондентлар улуши 77 фоизни (2025 йил мос даврида 78 фоиз) ташкил этган бўлса, харажатларининг ўзгаришсиз қолишини ва камайишини билдирганлар улуши 2025 йилнинг сўнгги чорагига нисбатан бироз пасайди (9-расм).

Энг юқори ва энг қуйи даромад гуруҳларига мансуб респондентлар келгуси ойларда харажатлар қисқаришини қайд этган бўлса, ўрта даромадли (5-7 млн сўмгача ва 7-10 млн сўмгача) ҳамда нисбатан юқори даромадли (10-15 млн сўмгача ва 15-20 млн сўмгача) аҳоли қатламлари келгусида харажатларининг ошишини кутмоқда (10-расм).


Барча даромад гуруҳларида уй-жой таъмири устувор йўналиш сифатида сақланиб қолган бўлса, таълим ва даволаниш учун харажатлар ҳам юқори улушни ташкил этган. Нисбатан пастроқ даромадлилар (5 млн сўмгача) харажатларини асосан, уй-жой таъмири, таълим ва кундалик эҳтиёжларга йўналтирган бўлса, ўрта даромадли гуруҳларда (5-10 млн сўм) таълим, саёҳат, автомобиль ҳамда тўй харажатларига йўналтиришни режалаштирмоқдалар.

Юқори даромадли гуруҳларда харажатлар таркибида автомобиль, саёҳат, уй-жой хариди ва маиший техника каби йирик харидлар улуши юқори шаклланмоқда. Хусусан, 15-20 млн сўм ва ундан юқори даромад гуруҳларида саёҳат, уй-жой хариди ва автомобиль харидлари устуворлик қилмоқда. Шунингдек, мазкур гуруҳларда даволаниш, маиший техника ва мебель харидларига талаб ҳам нисбатан юқорироқ бўлиб қолмоқда (11-расм).

9-расм. Келгуси харажатларнинг ўзгариши бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)



10-расм. Даромадлар кесимида харажатларнинг ўзгариши бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

11-расм. Харажатлар бўйича кутилмалар, аҳоли даромадлар кесимида (улуши, фоизда)

Келгуси харажатлар	уй-жой таъмири	таълим	бошқалар	даволаниш	харид қилмаймиз	тўй	автомобиль	саёҳат	уй-жой хариди	маиший техника	оилавий байрам	мебеллар хариди	электрон қурилма
2 млн.сўмгача	24	16	12	12	18	6	4	6	4	4	4	3	2
2-3 млн.сўм	26	20	15	13	11	7	6	6	7	6	4	4	4
3-5 млн.сўм	30	23	12	11	12	11	9	7	7	8	6	5	3
5-7 млн.сўм	29	21	12	11	11	11	9	10	9	6	6	6	3
7-10 млн.сўм	29	17	13	9	12	12	13	11	9	7	7	8	3
10-15 млн.сўм	30	20	18	14	13	11	14	13	13	8	8	7	7
15-20 млн.сўм	29	16	17	16	6	18	14	19	17	12	11	10	4
20-30 млн.сўм	23	17	11	9	9	12	18	14	14	9	11	9	3
30 млн.сўмдан юқори	24	11	4	13	11	11	9	11	9	11	9	11	9

Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Респондентлар орасида ёшлар (30 ёшгача) асосан, таълим ва уй-жой таъмири билан боғлиқ харажатларга кўпроқ маблағ сарфлашларини билдирган. Шунингдек, ушбу ёш гуруҳи вакиллари томонидан саёҳат, тўй ва автомобиль харидларига бўлган юқори талаби кузатилмоқда. Ўрта ёшлилар (31-50 ёш) эса кўпроқ уй-жой хариди ва таъмири, даволаниш, таълим ҳамда автомобиль сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни режалаштирмоқда.


Шу билан бирга, 51 ёшдан юқори аҳоли қатламларида уй-жой таъмири ва соғлиқни тиклаш билан боғлиқ харажатлар устувор бўлиб, тўй маросимлари билан боғлиқ харажатлар улуши ҳам нисбатан юқори даражада сақланиб қолмоқда (12-расм).

12-расм. Ёш кесимида харажатлар таркиби (улуши, фоизда)

Ёш чегараси	уй-жой таъмири	таълим	бошқалар	харид қилмаймиз	даволаниш	саёҳат	тўй	автомобиль	уй-жой хариди	оилавий байрам	маиший техника	мебеллар хариди	электрон қурилма
18 ёшдан кичик	16	25	14	18	5	13	5	6	5	9	3	1	4
18-30 ёшгача	23	23	13	12	9	12	15	13	11	7	8	7	5
31-40 ёшгача	30	16	14	12	13	8	6	9	8	5	8	5	3
41-50 ёшгача	33	23	13	12	14	7	10	7	7	6	6	6	2
51-60 ёшгача	35	10	14	10	16	10	11	5	9	7	5	6	0
60 ёшдан катта	38	10	11	11	17	6	10	5	5	2	3	3	2

Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

13-расм. Йирик харидлар/харажатлар ўзгариши (улуши, фоизда)



Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.


Умуман олганда, респондентлар келгуси ойлarda уй-жой таъмири, саёҳат, туй, уй-жой хариди ҳамда маиший техника билан боғлиқ харажатлари кўпайишини маълум қилган (13-расм).

Кредит субиндекси


Кредит субиндексида бироз ўсиш кузатилган.

2026 йилнинг I чораги яқунларига кўра, кредит субиндекси ўтган чоракдаги кўрсаткичга нисбатан 1,2 бандга ошиб, 65,5 банд даражасида шаклланди (14-15-расмлар).

14-расм. Кредит субиндекси (банд)




15-расм. Кредит субиндекси ўзгариши (ўтган чоракка нисбатан, фоиз банд)




Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.

16-расм. Келгусидаги кредитга бўлган талаб ўзгариши бўйича кутилмалар тақсимоти (улуши, фоизда)



17-расм. Даромадлар даражаси кесимида кредитга бўлган талаб (улуши, фоизда)



Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.

Келгусида кредит олишга эҳтиёжи борлар улуши (56 фоиз) ортган (аввалги чоракда 54 фоиз). Бунда, 7 млн сўмгача даромад олувчи гуруҳда кредитга талаб ўсиши мумкин. Нисбатан юқори даромадлилар орасида (10-15 млн сўм ва 20 млн сўмдан юқори) келгусида кредитга талабнинг пасайиши тенденцияси давом этмоқда (17-расм).

Респондентлар томонидан кредит маблағларидан келгуси даврда уй-жой таъмири, таълим, тўй, автомобиль хариди ҳамда даволаниш билан боғлиқ харажатлар аҳамияти ўзгармасдан, давомий сарфлар сифатида қаралмоқда (18-расм).

18-расм. Келгусида кредитга ва харидларга бўлган талабнинг шаклланиши (улуши, фоизда)

	уй-жой таъмири	таълим	бошқалар	даволаниш	харид қилмаймиз	тўй	автомобиль	саёҳат	уй-жой хариди	маиший техника	оилавий байрам	мебеллар хариди	электрон қурилма
ошади	31	21	11	11	7	12	11	10	11	7	5	6	4
бироз ошади	27	20	14	13	9	13	14	12	12	10	7	8	5
ўзгаришсиз қолади	27	19	14	12	13	9	9	9	7	6	8	6	3
бироз камаяди	28	19	15	13	8	10	10	8	9	6	6	8	6
камаяди	30	21	14	10	10	10	11	12	8	7	6	5	3
кредитга эҳтиёж йўқ	27	18	14	11	19	9	7	8	6	6	5	5	2

Манба: Марказий банк қузатувлари асосида.

Жамғариш субиндекси


Жамғаришга мойилликда барқарор ўсиш кузатилди.

Жорий йилнинг I чорагида жамғариш субиндекси 70,6 банд даражасида қайд этилиб, ўсиш трендини давом эттирди. Субиндекс ўтган чоракка нисбатан 1,7 банд, ўтган йилнинг тегишли даврига таққосланганда эса 1,2 бандлик ижобий фарқ билан шаклланди. Бу аҳолининг маблағларни жамғаришга бўлган мойиллиги ортиб бораётганидан далолат беради (19-20-расмлар).


Иштирокчиларнинг 65,8 фоизи (2025 йил IV чоракка нисбатан 3,2 фоиз бандга кўпроқ) келгусида жамғармалари ошишини кутаётган бўлса, жамғармалари ҳажми ўзгармаслигини таъкидлаганлар улуши 2025 йил IV чоракка нисбатан 1,9 фоиз бандга пасайиб, 22,3 фоизни ташкил этди. Жамғармаларнинг камайишини кутаётганлар улуши эса қисқаришда давом этиб, 11,9 фоизни (аввалги чоракда 13,2 фоиз) ташкил этди (21-расм).

Келгуси давр учун жамғармаларининг 1-3 ойга ҳамда 6 ойдан ортиқ муддатга етишини таъкидлаган респондентлар улуши 2025 йилнинг IV чорагига нисбатан бироз ошди. Бироқ, қисқа (1 ойгача) ва ўрта муддатлар (3-6 ойгача) бўйича респондентлар улуши пасайиш динамикасини намоён этди. Шунингдек, жамғармаси мавжуд эмаслигини қайд этганлар улуши ҳам қисқариб, 40,1 фоизни ташкил этди (22-расм).

19-расм. Жамғариш субиндекси (банд)




20-расм. Жамғариш субиндекси ўзгариши (ўтган чоракка нисбатан, фоиз банд)




Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

21-расм. Респондентларнинг жамғармалари ўзгариши бўйича кутилмалари (улуши, фоизда)



22-расм. Жамғарманинг етарлилик даражаси бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)




Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.


Жорий йилнинг дастлабки чорагида ҳам иштирокчиларнинг аксарияти (58,0 фоиз, 2025 йил IV чоракда 55,6 фоиз) молиявий ҳолатларида ижобий тенденцияни сезган. Молиявий ҳолатда ўзгариш сезмаган аҳоли улуши 0,8 фоиз бандга қисқариб, 32,4 фоизни ташкил этган. Молиявий аҳволи салбий томонга ўзгарганини таъкидлаган аҳоли улуши янада пасайиб, 9,7 фоизни ташкил этди (23-расм).

Аҳолининг жамғариш хулқ-атворида ижобий ўзгаришлар давом этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, банк депозитлари ҳажмининг юқори суръатларда ўсишида ҳам акс этмоқда.

23-расм. Респондентларнинг молиявий ҳолати ўзгариши (улуши, фоизда)



24-расм. Аҳоли муддатли депозитлари қолдиғи ўсиши (трлн. сўм, йиллик фоизда)



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.


Хусусан, жорий йилнинг I чорагида миллий валютадаги муддатли омонатлар қолдиғида йиллик қарийб 31,1 фоизлик ўсиш қайд этилди. Мазкур ҳолат молиявий инструментларнинг кенгайиб бораётгани шароитида аҳолининг жамғаришга бўлган мойиллиги ҳам ошиб бораётганидан далолат беради (24-расм).

Иқтисодиёт бўйича кутилмалар


Аҳолининг яқин истиқболдаги иқтисодий вазият бўйича ижобий кутилмалар устуворлик қилмоқда. Респондентларнинг қарийб учдан икки қисми (69 фоизи) келгуси даврда иқтисодий ривожланишнинг жадаллашишини кутмоқда. Сўровнома иштирокчиларининг 22,6 фоизи вазиятни “барқарор” деб баҳолаган бўлса, фақатгина 8,4 фоизда салбий кутилмалар кузатилди (25-расм).

Ўрта муддатли кутилмаларда мамлакат иқтисодиёти яхшиланишига ишонч билдирганлар улуши 78 фоизни (2025 йил IV чорақда 79 фоиз) ташкил этган бўлса, иқтисодий барқарорлик сақланиб қолинишини кутаётганлар улуши ўзгармаган. Иқтисодий вазиятга нисбатан биров салбий кутилмалар улуши аввалги чораққа нисбатан 2 фоиз бандга ортиб, 6 фоизни ташкил этди (26-расм).

25-расм. Келгуси 12 ой учун мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)



26-расм. Келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар (улуши, фоизда)



Манба: Марказий банк кузатувлари асосида.

Истеъмом кайфияти индекси

Марказий банк томонидан аҳолининг кенг соҳа вакилларини қамраб олган ҳолда ўтказиладиган сўровлар натижалари асосида бериб бориладиган истеъмом кайфияти индекси² (ИКИ) ни ҳисоблашда сўров иштирокчиларининг келгусидаги даромадлари, харажатлари, кредитлари ва жамғармалари ўзгариши бўйича танланган жавоб вариантлари сонидан келиб чиқиб шакллантирилади.

Бунда респондентлар томонидан белгиланган жавоблар вариантлари қуйидаги вазнлар орқали умумлаштирилади ва нормаллаштирилади:

сезиларли даражада кўпайиш/ошиш (ижобий) – 100;

бироз кўпайиш/ошиш (ижобий) – 75;

нейтрал жавоб (ўзгаришсиз) – 50;

бироз камайиш (бироз салбий) – 25;

сезиларли даражада камайиш (салбий) – 0.

Агар ҳисобланган субиндекс кўрсаткичи 50 бандга тенг бўлса, сўров иштирокчилари ўрганилаётган кутилмалари ўзгармаганини кўрсатади. Агар 50 банддан юқори бўлса, кутилмалар ошаётганини билдиради. Агар субиндекс кўрсаткичи 50 банддан паст бўлса, кутилмалар пасайганини билдиради.

Шунингдек, субиндекс 100 бандга тенг бўлиши барча респондентлар юқори ошишини кутаётганини англатса, 0 бандга тенг бўлиши барча сезиларли камайишни билдирганини англатади.

² Индекс кўрсаткичи 0 дан +100 оралиғида бўлиб, кўрсаткич +100 га яқинлашгани сари истеъмом кайфиятидаги ижобийликни ифодалайди.

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2026 йил



Ҳужжатнинг электрон версияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки веб-сайтнинг “Матбуот маркази” бўлимидаги “Шарҳлар” кичик бўлимида жойлашган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий веб-сайти: www.cbu.uz

Маълумотларни ҳисобга олишининг якуний санаси: 2026 йил 15 апрель

Мазкур ҳужжат Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланган.

Ўз тақлиф ва эътирозларингизни қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин:

E-mail: sinogamov@cbu.uz

Тел.: (+998) 71 212-60-22